

БИТИМЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ НИМАДА?

Саттаров Омон Ильхамович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий Кенгаши ҳузуридаги

Одил судлов Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада фуқаролик ҳуқуқида битимларнинг ҳақиқий эмаслиги институтининг моҳияти, ҳуқуқий табиати ва амалий аҳамияти комплекс таҳлил қилинган. Битимларнинг ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган ва низолашилиши мумкин бўлган турлари ўртасидаги фарқлар очиб берилган, шунингдек, уларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий оқибатлар *ex tunc* ва *ex nunc* тамойиллари асосида ёритилган. Мақолада даъво муддатини қўллаш масалалари, суднинг ваколатлари ҳамда олий суд пленум қарорларида мавжуд айрим ноаниқликлар илмий-ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланган. Муаллиф томонидан битимларнинг ҳақиқий эмаслиги институтини такомиллаштириш зарурати асослаб берилган.

Калит сўзлар: битимнинг ҳақиқий эмаслиги, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим, низоли битим, фуқаролик ҳуқуқи, даъво муддати, *ex tunc*, *ex nunc*, суд амалиёти.

Аннотация

В статье проводится комплексный анализ института недействительности сделок в гражданском праве, раскрываются его сущность, правовая природа и практическое значение. Особое внимание уделено разграничению ничтожных и оспоримых сделок, а также правовым последствиям их признания недействительными с точки зрения действия во времени (*ex tunc* и *ex nunc*). Рассматриваются проблемы применения сроков исковой давности, пределы судебных полномочий и отдельные пробелы и неопределённости в постановлениях пленума высших судебных органов. Обосновывается необходимость дальнейшего совершенствования законодательства и судебной практики в сфере недействительности сделок.

Ключевые слова: недействительность сделки, ничтожная сделка, оспоримая сделка, гражданское право, срок исковой давности, *ex tunc*, *ex nunc*, судебная практика.

Abstract

This article provides a comprehensive analysis of the institution of invalid transactions in civil law, examining its essence, legal nature, and practical significance. Particular attention is paid to distinguishing between void and voidable transactions, as well as to the legal consequences of their invalidity with regard to the temporal effect of court decisions (*ex tunc* and *ex nunc*). The paper also addresses issues related to the application of limitation periods, the scope of judicial powers, and certain ambiguities in the resolutions of higher judicial bodies. The author substantiates the need for further improvement of legislation and judicial practice concerning the invalidity of transactions.

Keywords: invalid transaction, void transaction, voidable transaction, civil law, limitation period, *ex tunc*, *ex nunc*, judicial practice.

Ҳозирги кунда битимларни ҳақиқий эмас деб топиш институти ўз долзарблигини кўрсатмоқда. Ҳар йили битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш билан боғлиқ ишлар сони ортиб бормоқда.

Битимнинг ҳақиқий эмаслиги тушунчаси субъектлар томонидан кўзда тутилган ҳуқуқий оқибатларнинг юзага келмаслигини фақат шунда қамраб оладики, бунда бундай ҳолатнинг сабаби битимнинг ҳақиқийлиги шартларига риоя этилмаган бўлади. Мазмуни, субъект таркиби, томонларнинг иродаси ёки шаклига оид нуқсонлари бўлган битимлар кўп ҳолларда қонун билан ҳақиқий эмас ёки низоли бўлган деб эътироф этилади. Ўз ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим тузилгандан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди, низоли битим эса ҳақиқий ҳисобланади, аммо манфаатдор шахснинг даъвоси бўйича суд уни ҳақиқий эмас деб топса, у ҳақиқий бўлмаган битимга айланиши мумкин¹.

Бошқа ҳолларда қонун битимнинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлмаган, унда муайян нуқсон мавжуд бўлишининг бошқа оқибатларини белгилайди. Масалан, битимнинг оддий ёзма шаклига риоя этмаслик уни ҳақиқий эмас деб топилишига фақат қонунда ёки томонлар келишувида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда олиб келади, умумий қоидага кўра эса, битимнинг ҳақиқийлигига таъсир қилмасдан, низо чиққан тақдирда томонларни битим ва унинг шартларини тасдиқлаш учун гувоҳлар кўрсатмаларига таяниш ҳуқуқидан маҳрум қилади (ФК 109-модда).

Агар битим тушунчасига у қаратилган ҳуқуқий натижага эришиш ҳам киритилса ва фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг нафақат фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган, балки ҳақиқатан ҳам шу оқибатларни келтириб чиқарадиган ҳаракатлари битим деб аталса, “ҳақиқий бўлмаган битим” тушунчаси ички зиддиятли бўлиб қолади: агар содир этилган ҳаракатлар кўзланган ҳуқуқий натижани келтириб чиқармаган бўлса, улар битимни ташкил этмайди. Бундай ҳолда ҳақиқий бўлмаган битим тузилгани ҳақида эмас, балки унинг умуман мавжуд эмаслиги ҳақида гапириш лозим, чунки юридик факт сифатида у мавжуд эмас.

Айрим ҳолларда ҳақиқий бўлмаган битимларга (яъни мавжуд бўлган, аммо муайян нуқсонлар туфайли кўзланган ҳуқуқий самарани келтириб чиқармайдиган) ва мавжуд бўлмаган битимларга (умуман битим сифатида квалификация қилиб бўлмайдиган субъектлар ҳаракатларига) ажратади. Масалан, ашёни бошқа шахснинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш унинг юридик табиатига кўра, низо иштирокчилари ҳақиқий бўлмаган битим тарафлари ҳисобланиш-ҳисобланмаслигига боғлиқ равишда турлича бўлади. Агар ашё шундай битим натижасида олинган бўлса, уни қайтариш реституция тартибида амалга оширилиши лозим (ФК 114-моддаси), агар битим умуман бўлмаган бўлса, виндикация тартибида амалга оширилади (ФК 228-модда) ёки кондикция (ФК 1023 модда) асоссиз орттирилган бойликни қайтариш ҳақидаги даъво асосида қайтарилади.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим суд томонидан уни шундай деб эътироф этишидан қатъи назар ҳақиқий бўлмайди (ФК 113-моддаси), у бошиданок

¹ Гражданское право: учебник: в 4 т. / отв. ред. д-р юрид. наук, проф. Е. А. Суханов. – 3-е изд., перераб. и доп. – Москва: Статут, 2023. ISBN 978-5-8354-1887-9 (в пер.) Т I: Общая часть. – 624 с.

ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди, шу сабабли унинг оқибатларини бартараф этувчи махсус (ўзгартирувчи) суд ҳужжати қабул қилиниши ҳам талаб этилмайди.

Битимнинг ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслиги тўғрисидаги анъанавий (пандект) таълимотнинг асосий қоидалари — улар умумий тарзда ҳам, замонавий миллий ҳуқуқда ҳам (маълум бир ўзгартишлар билан) акс этган ҳолда — қуйидагилардан иборат:

- ўз табиатига кўра, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслик — бу битимнинг ҳуқуқ учун мавжуд эмаслигидир, яъни ҳуқуқий «ҳеч нарса»дир. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслик асослари битим тузилган пайтнинг ўзидаёқ (*ab initio*), автоматик тарзда (*ipso iure*) ва барчага нисбатан (*erga omnes*) амал қилади. Шу сабабли, битим гўёки «ўлик ҳолда туғилади» ва унинг ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслигига ҳар ким томонидан ва ҳар кимга қарши таянилиши мумкин;

- ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмасликнинг мазкур моҳияти билан муҳим амалий оқибат боғлиқ: у на битим тарафларидан бирининг ёки бошқа шахснинг ташаббусига, на суд қарорининг мавжудлигига боғлиқ. Суд қарори ҳам, унга мос даъво ҳам фақат ҳуқуқий ноаниқликни бартараф этиш учун зарур бўлади;

- ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслик табиатидан келиб чиқадики, у суд ёки бошқа ҳуқуқни қўлловчи орган томонидан, жумладан, ўз ташаббуси билан — *ex officio* («хизмат бурчига кўра») аниқланиши лозим. Уни аниқлаш тегишли органнинг нафақат ҳуқуқи, балки мажбурияти ҳам ҳисобланади;

- ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаслик, умумий қоидага кўра, қайтариб бўлмас хусусиятга эга, яъни у даволанмайди (тузатилмайди);

- ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмасликка нисбатан даъво муддати қўлланилмайди.

Шу билан бирга, битим тарафлари ёки бошқа шахсларда суд орқали низоли битимнинг ҳақиқий бўлмаганлигини аниқлаб беришдан иборат қонун билан қўриқланадиган манфаат мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолда битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво киритилади, бунда суд ўзининг белгиловчи (декларатив) қарори билан битимнинг ҳақиқий эмаслигини қайд этади (ФК 113-моддаси).

Қонун чиқарувчи ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабларга даъво муддатини қўллашни назарда тутмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги² 17-сонли қарори ҳамда 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида³ ҳам бу борада аниқлик етишмайди.

Умумий қоидага кўра, битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабга, қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умумий даъво муддати қўлланилади ҳамда даъво муддати фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ (суд ўз ташаббуси билан қўллаётган бўлмайди) қўлланилади.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1590543>.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/uz/docs/2535141>

Шундай бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солишчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”⁴ 17-сонли қарорининг 7 бандида битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабдан фарқли равишда шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабда даъво муддати чекланмаган бўлади ва бундай даъво билан мурожаат қилишга шартнома ҳаракатда бўлган бутун давр мобайнида йўл қўйилади. Бу ўринда “даъво муддати чекланмаган бўлиши” қандай талаб ёки мезонга мувофиқ амал қилиши ноаниқ қолган. Баъзида эса, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларда ўзига хос ёндашув яъни, зарарни аниқлашга қадар қанча вақт ўтиши номаълум қолиши мумкин. Бироқ, мазкур пленум қарорида шартномани бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топиш фарқидан келиб чиққан кўринади.

Низоли битимлар. Низолашилиши мумкин бўлган битим ҳақиқий ҳисобланади. Бироқ, унда мавжуд бўлган нуқсон қонунда кўрсатилган шахсга суддан ўзгартирувчи қарор қабул қилиб, ушбу битим туфайли юзага келган ҳуқуқий оқибатларни бартараф этишни талаб қилиш учун асос беради. Битим муваффақиятли равишда низолашилган тақдирда, у ҳақиқий бўлмаган битимга айланади (ФК 113-моддаси).

Низоли битим институти қуйидаги асосий қоидаларга таянади. Ушбу қоидалар, маълум бир ўзгаришларга учраган бўлса-да, замонавий миллий ҳуқуқ учун мавжуд воқелик ҳисобланади:

- низолашилиши мумкин бўлган битим уни бекор қилишга қадар ҳақиқий ҳисобланади ва фақат кейинчалик ҳақиқий бўлмаган битимга айланиши мумкин; бунда, умумий қоидага кўра, у орқага қайтувчи кучга эга бўлади (*ex tunc*);
- низолашилиши мумкин бўлган битимнинг кейинчалик ҳақиқий бўлмаслиги манфаатдор шахс томонидан уни низолашга оид субъектив ҳуқуқни амалга ошириш натижасидир. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш усуллари турли ҳуқуқ тизимларида фарқ қилади: суддан ташқари баёноддан тортиб, фақат суд орқали, яъни конститутив даъво йўли билан низолашгача. Миллий ҳуқуқда айнан суд тартиби қўлланилади;
- юқоридаги белгидан келиб чиқадики, низолашилиши мумкин бўлган битимни бекор қилиш суд томонидан ўз ташаббуси билан (*ex officio*) амалга оширилиши мумкин эмас;
- низолаш ҳуқуқи ва шу билан бирга, битимнинг низолашилиши мумкинлиги, уни низолаш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан битимни тасдиқлаш (маъқуллаш) натижасида тугайди;
- низолаш ҳуқуқи вақт жиҳатидан чекланади: ёки тугатувчи муддат билан ёки (низолаш даъво тартибида амалга ошириладиган ҳуқуқ тизимларида) даъво муддати билан; бундай муддат қўлланилиши учун, одатда, низода иккинчи томон томонидан тегишли даъво муддатига таяниш талаб этилади.

Битим ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, у ҳақиқий бўлмаган битим сифатида ҳуқуқий оқибатлари тузилган пайтдан бошлаб вужудга келмаган деб ҳисобланади (*ex tunc*). Шу билан бирга, битимнинг мазмунидан унинг фақат келгусига бекор қилиниши мумкинлиги келиб чиқса, суд уни ҳақиқий бўлмаган деб топиб, унинг амал қилишини келгуси вақт учун тўхтатиши мумкин (*ex nunc*) (ЎЗР ФК 114-модда).

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солишчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 17-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1590543>.

Битим ҳақиқий бўлмаган деб топилгунга қадар уни низолаш мумкин эканини билган шахс, агар кейинчалик битим ҳақиқий бўлмаган деб топилса, мазкур битимнинг ҳақиқийлигига бўлган ишончига нисбатан ҳуқуқий ҳимоя олмайди (ФК 114-модда). Бундай ҳолларда инсофли эгалловчига нисбатан қўлланиладиган қоидалар ҳам татбиқ этилмайди (ФК 228–229-моддалар).

Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги институти фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишга хизмат қилувчи муҳим механизм ҳисобланади. Битимнинг мазмуни, шакли, субъект таркиби ёки томонлар иродасидаги нуқсонлар унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин бўлиб, бунда қонун ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган ва низолашилиши мумкин бўлган битимлар ўртасида аниқ фарқ ўрнатади. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар тузилган пайтдан бошлаб ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва уларга нисбатан суд қарорининг мавжудлиги шарт эмас, низоли битимлар эса бекор қилингунига қадар ҳақиқий ҳисобланади ҳамда фақат манфаатдор шахс ташаббуси билан суд орқали ҳақиқий бўлмаган деб топилиши мумкин.

Шу билан бирга, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги масаласида даъво муддатини қўллаш, суднинг ваколатлари ва ҳуқуқий оқибатларнинг вақт жиҳатидан амал қилиши (ex tunc ва ex nunc) билан боғлиқ қатор назарий ва амалий муаммолар мавжудлиги аниқланади. Хусусан, олий суд пленум қарорларида айрим ноаниқликларнинг сақланиб қолиши ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича ёндашувларга сабаб бўлмоқда. Шу боис, битимларнинг ҳақиқий эмаслиги институти янада такомиллаштириш, унинг тушунчавий чегараларини аниқ белгилаш ҳамда қонунчилик ва суд амалиёти ўртасидаги уйғунликни таъминлаш фуқаролик ҳуқуқи тизимининг изчил ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.